

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.04.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ ФАЙЗУЛЛА НИҒМАТУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ
БОШҚАРИШ ВА ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахматуллаев Файзулла Нифматуллаевич

Ўзбекистонда қаттиқ майший чиқиндилярни

бошқариш ва заарсизлантириш

тизимини такомиллаштириш 3

Рахматуллаев Файзулла Нифматуллаевич

Усовершенствование системы управления и

обезвреживания твёрдых бытовых отходов

в республике Узбекистан 21

Рахматуллаев Файзулла Нифматуллаевич

Improvement of the system of management and

neutralization of solid household waste

in the Republic of Uzbekistan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.04.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТУЛЛАЕВ ФАЙЗУЛЛА НИҒМАТУЛЛАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАТТИҚ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ
БОШҚАРИШ ВА ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/T1698 ракам билан рўйхатга олингган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифаси (www.ik-kimyo.nuu.uz) хамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмийраҳбар:

Садиртдин Махамаддинович Турабджанов
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сайфутдинов Рамзиддин Сайфутдинович
техника фанлари доктори, профессор

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

А.Султонов номидаги Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти хузуридаги DSc/03.30.12.2019.T.04.01 ракамли Илмий Кенгашнинг 16 12 2021 йил соат 11:08 даги мажлисиде бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-й. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz). Тошкент кимё-технология институти Маъмурӣ биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28 ракам билан рўйхатга олингган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «22 11 куни тарқатилди.
(2021 йил «22 11 даги №121 ракамли реестр баённомаси).



Г. Рахмонбердиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгашга раиси,
к.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

А. Икрамов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш кошидаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда ахоли эҳтиёжларининг тез суръатларда ўсиши билан қаттиқ майший чиқиндилар миқдорининг кескин ортиши, заарли кимёвий моддаларнинг атроф-муҳитга тарқалишига олиб келади ва уларни бартараф этишнинг экологик тоза усусларини яратиш устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу билан бирга инсон саломатлиги, атмосфера ва гидросферага зарар етказувчи қаттиқ майший чиқиндиларни атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, уларни бартараф этишда пиролиз технологиясини қўллаш, суюқ ёқилғи фракцияларини ажратиш ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ахоли сонининг ортиши билан қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариши ва заарсизлантириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, чиқиндиларнинг математик статистика йўли билан морфологик таркибини аниқлаш, уларни йиғиш, ташиш, сақлаш ҳамда барта-раф этишда суюқ ёқилғилар аралашмаси ҳосил бўлувчи пиролиз технология-сидан фойдаланиш, пиролизатор ёрдамида анаэроб заарсизлантириш, чиқувчи маҳсулотларда мақсадли фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қаттиқ майший чиқиндилар ҳосил бўлиши йиллик ҳажми 7 - 7,1 млн тоннани ташкил этиб, ахоли сонининг ўсиши ҳисобига ўртача 1,5 фоизга ортиши билан уларни зичлаш ва йиғиш учун янги полигонлар қурилишида, очиқ шароитда атмосфера ҳавосининг биогаз билан ифлосланишини (95 % дан ортиғи полигонларда кўмилади) ҳамда буғ газлари пайдо бўлишини олдини олишга алоҳида эътибор берилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017 - 2021 йил-ларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «республиканинг ша-ҳар ва туманларида, шунингдек қишлоқ ахоли пунктларида санитария ва эколо-гик ҳолатни яхшилаш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада инсон саломатлиги, атмосфера ва гидросферага зарар етказувчи қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, сақлаш ҳамда бартараф этиш, уларни зарасизлантиришда пиролиз технологиясини яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон «2017-2021 йилларда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 апрел ПҚ-4291-сон «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги №ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Кимёвий технологиилар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қаттиқ майший чиқиндиларни бартараф этиш ҳамда заарсизлантиришга оид B. Stewart, M. Liest, C. Ochsenreiter, C. Walsh Daniel, E. Mbuligwe Stephen, R. Alam, K. Sugihiro, S. Mamoru, Schwetlick Wolfgang, J. Reich, П. Старцев, В.А. Безбородов, В.И. Теличенко, И.В. Ютин, В.В. Журкович, М.В. Киселева, Р.З. Магарил, А.Н. Сачков, Ф.А. Магрупов, С.М. Турабджанов, А.Б. Джураев, М.Н. Мусаев, М.О. Сафаев, Н. Салимов, О.Ш. Қодиров ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришиган.

Улар томонидан, қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш тизими ва зарасизлантириш усулини такомиллаштириш, органик йўл билан ҳосил бўлган турларини пиролиз усулларини қўллаш орқали бартараф этиш, муқобил энергия ташувчилар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, инсон саломатлиги, атмосфера ва гидросферага зарар етказувчи қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, ташиб, сақлаш ҳамда бартараф этиш, кўп миқдорларда чиқиндилар ҳосил бўлувчи ҳудудлар учун пиролизатор яратиш, ҳосил бўлувчи пиролиз газларидан мақсадли фойдаланиш, уларни заарсизлантиришда пиролиз технологиясини қўллашга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №ПЗ-20170927346 «Оқава сувларни тозалаш учун поликонденсат турдаги янги ион алмашинаидиган полимерларни олиш технологиясини ишлаб чиқиши» (2018 - 2020 йй.) ва №ЁОТ-Атех-2018-206 «Корхонада меҳнат ҳавфсизлигига таъсир этувчи салбий омиилларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши» (2018 - 2019 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш - йиғиш, ташиб, сақлаш ҳамда бартараф этиш ва зарасизлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чиқиндиларни йиғиш, ишлатиш, ташиб, сақлаш ва кўмиш орқали заарсизлантириш тизимини тадқиқ қилиш;

қаттиқ майший чиқиндиларнинг морфологик таркибини аниqlаш ва таҳлил қилиш;

қаттиқ майший чиқиндилар бартараф этиш ва зарасизлантириш тизимини такомиллаштириш;

углеродли қаттиқ майший чиқиндиларни бартараф этишнинг пиролиз усули маҳсулотлари таркибини тадқиқ қилиш;

қаттиқ майший чиқиндиларни пиролиз йўли билан қайта ишлаш жараёнининг техник-иктисодий ҳисоблаш ва тажриба - экспериментал тадқиқотларни бажариш;

қаттиқ майший чиқиндилар бартараф этиш ва заарсизлантириш технологияларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳрида мавжуд қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш тизими, органик йўл билан ҳосил бўлган қаттиқ майший чиқиндиларни заарсизлантириш технологиялари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Қаттиқ майший чиқиндилар, пиролиз жараёнлари, пиролиз маҳсулотлари, суюқ ёқилғилар фракцияси, мураккаб органик бирикмалар таркиби, пиролитик деструкция маҳсулотлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда математик статистика ва моделлаштириш, газ-хроматографик ва ИК-спектроскопик таҳлил усуллари ва булардан ташқари физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

чиқиндиларнинг морфологик таркиби аниқланиб, бартараф этишда суюқ ёқилғилар аралашмаси ҳосил бўлувчи пиролиз технологиясидан фойдаланиш самараси исботланган;

қаттиқ майший чиқиндиларни пиролизлаш жараёни 550°C да кичик хажмлардаги пиролизаторларда анаэроб шароитларда амалга оширилиб, уч турдаги - пиролиз гази, суюқ ва қаттиқ углеродли маҳсулот ҳосил бўлиши исботланган;

пиролизлаш жараёни маҳсулотлари газ қисмидан қаттиқ майший чиқиндиларни бартараф этишда ва суюқ фракцияси (зичлиги $920 - 980 \text{ кг}/\text{м}^3$, ёниш ҳарорати $45 - 50 \text{ МЖ}/\text{кг}$, олтингугурт миқдори $0,1 - 1,0 \%$, нисбий ёпишқоқлиги $6,5 - 7,5 \text{ сСт}$)дан ёқилғи сифатида фойдаланиш асосланган;

қаттиқ майший чиқиндиларни пиролизлаш жараёни углеродли қаттиқ маҳсулоти - техник кўмирни совутиш, ажратиш, брикетлаш тизими ишлаб қиқилиб, юқори калорияли ёқилғи ($410 - 450 \text{ кг}/\text{м}^3$, ёниш иссиқлиги $25 - 30 \text{ МЖ}/\text{кг}$, кул $10 - 15 \%$, қаттиқлиги $90 - 95 \%$, учувчи моддалар миқдори $20 - 25 \%$) сифатида фойдаланиш аниқланган;

қаттиқ майший чиқиндиларни бошқариш, бартараф этиш ва заарсизлантириш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

қаттиқ майший чиқиндилар кўп ҳосил бўлувчи худудлар учун бошқаришнинг такомиллаштирилган схемаси ишлаб қиқилган;

қаттиқ майший чиқиндиларни пиролиз технологиясининг мақбул шароитлари аниқланган;

пиролизатор ёрдамида қаттиқ майшний чиқиндиарни кислородсиз мұхитда анаэроб заарасылантириш тизими ва теримик бартараф этиш технологияси ишлаб чиқылған.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари, қаттиқ майшний чиқиндиарни йиғиши, ишлатиши, ташиши, сақлаши ва күмиш орқали заарасылантириш тизимини такомиллаштирилиши, пиролиз орқали бартараф этиш ва арzonроқ ёнувчи газ (50% дан ортиқ) ва пиролиз конденсатини (25% дан ортиқ) ишлаб чиқариш технологияларини саноатга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қаттиқ майшний чиқиндиар таркибини математик статистика йўли билан морфологик тадқиқ қилиш орқали, газ ва суюқ фракцияларга кимёвий трансформациялаш механизмининг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўп миқдорларда чиқиндиар ҳосил бўлувчи ҳудудлар учун пиролизатор яратиш, ҳосил бўлувчи пиролиз газларидан мақсадли фойдаланиш, қаттиқ майшний чиқиндиарни заарасылантиришнинг пиролиз технологиясини яратишга хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қаттиқ майшний чиқиндиарни йиғиши, ишлатиши, ташиши, сақлаши ва күмиш орқали бошқариш ва уларни заарасылантириш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қаттиқ майшний чиқиндиарни йиғиши, ишлатиши, ташиши, сақлаши ва күмиш орқали бошқариш тизими Тошкент шаҳри «МАХСУСТРАНС» ДУКда амалиётга жорий қилинган («O‘zbekiston Respublikasi ekologiya ya atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi»нинг 2021 йил 25 июндаги 04-04/1-2109-сон маълумотномаси). Натижада, қайта ишлашга яроқсиз органик чиқиндиарни анаэроб шароитларда пиролиз қилиш орқали такомиллаштириш билан суюқ ёқилғи фракцияларини ажратиш ва полигонларга кўмилувчи чиқиндиар миқдорини 4 марта камайтириш имконини берган;

қаттиқ майшний чиқиндиарни заарасылантириш тизими Тошкент шаҳри «МАХСУСТРАНС» ДУКда амалиётга жорий қилинган («O‘zbekiston Respublikasi ekologiya ya atrof-muhitni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi»нинг 2021 йил 25 июндаги 04-04/1-2109-сон маълумотномаси). Натижада, қаттиқ органик чиқиндиарни пиролитик қайта ишлаш, иккиламчи ва муқобил хом ашёлардан энергия ташувчилар ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-техник анжуманларда мухокамадан ўтказилған.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 95 бетни ташкил қиласиди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзаблиги, мақсади ва вазифаларининг заруратлари, синов объектлари ва предмети тавсифланган. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикасида фан ва технология бўйича ривожланишининг устивор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва изланишларнинг амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари ёритиб берилган, синов натижаларининг амалиётда тадбиқ қилингандиги, ишнинг чоп этилганлиги ва диссертациянинг таркиби келтирилган.

Диссертациянинг «**Қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш муаммосининг хозирги ҳолати**» деб номланган **биринчи бобда** мавзу бўйича илмий тадқиқотлар натижалари шарҳи, хорижий ва маҳаллий адабиётлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Маълумотлар умумлаштирилиб, илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Қаттиқ майший чиқиндилар (ҚМЧ)нинг морфологик таркибини аниқлаш, уларни йиғиш, ташиш, сақлаш ҳамда бартараф билан боғлиқ тизимларни амалга ошириш ва қайта ишлашнинг заарсизлантириш усуллари натижалари ёритилган. Келтирилган илмий адабиётлардаги маълумотларга асосланган ҳолда диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Иккинчи боб «Тадқиқот обьекти ва бошқариш тизимининг умумий таҳлили, қаттиқ майший чиқиндиларни заарсизлантириш» деб номланиб, тадқиқот обьекти сифатида республикамизда мавжуд ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизими ва Ўзбекистон Республикаси бўйича потенциали миллионлаб тоннани ташкил этувчи дастлабки хом ашёни термик ишлов бериш билан тавсифланган мураккаб органик молекулаларни пиролитик деструкцияси жараёнини қўллаган ҳолда органик чиқиндиларни заарсизлантириш технологияси танлаб олинган.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, республика худудида йилига 80949,0 минг т кўмилган ҚМЧлар умумий майдони 1493,2 га бўлган 221,0 полигон ишлайди, ҳосил бўладиган чиқиндилар умумий ҳажмининг 50 - 51 % Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, 2,0 - 2,5 % Қорақалпоғистон Республикаси улушга тўғри келади.

Учинчи боб «Қаттиқ майший чиқиндиларни морфологик таркибини ўрганиш натижалари ва уларни қайта ишлаш усулларининг самарадорлигини баҳолаш» деб номланган.

ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш - жаҳон амалиётидаги устивор йўналишлардан биридир. Чунки, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаётига, шунингдек, атроф-муҳитга заарли таъсири нафақат экология, балки аҳоли саломатлигига ҳам ҳақиқий хавф туғдиради. Чиқиндиларни йиғиш, ишлатиш, ташиш, сақлаш ва кўмиш орқали бошқаришни тўғри йўлга қўйиш зарурати аҳоли

сонининг кўпайиши ва чиқиндилар миқдорининг ошиши билан боғлиқ. Бир кунда ҳар бир фуқаро учун 0,6 кг, йилига эса 200 кг қаттиқ майший чиқиндилар тўғри келади. Марказий шаҳарларда бу қўрсаткич 0,87 кг ва йилига 300 кг ни ташкил қиласди. 2017 йилда республика худудида 7 млн тоннадан ортиқ ҚМЧ ҳосил бўлди. 3,9 млн тонна ёки 46 % қаттиқ чиқиндилар Тошкент шаҳри (1,1 млн. т ёки 11 %), Фарғона (2 млн т ёки 22 %) ва Самарқанд (799,7 минг т ёки 7 %) вилоятлари улушига тўғри келади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси худудидаги чиқинди полигонлари ҳақида маълумот

T/P	Худуд	ҚМЧ кўмилган полигонлар сони	Майдони (га)	Чиқиндилар миқдори (минг тонн)
1	Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти	19,0	183,3	40589,0
2	Андижон	16,0	47,0	4150,2
3	Бухоро	20,0	120,3	3189,4
4	Жиззах	14,0	112,7	1188,0
5	Самарқанд	16,0	92,9	7436,3
6	Сурхандарё	20,0	203,4	2277,3
7	Сирдарё	10,0	49,5	853,10
8	Наманган	15,0	76,2	4868,1
9	Навои	12,0	76,8	2457,0
10	Фарғона	20,0	138,5	3297,5
11	Хоразм	10,0	60,2	3149,3
12	Қашқадарё	18,0	156,9	5504,2
13	Қорақалпоғистон Республикаси	31,0	175,7	1988,8

Чиқиндиларни бошқариш тизимининг барча босқичларида қисман саралаш амалга оширилади. Бу чиқиндиларни қайта ишлишга ихтисослашган тадбиркорлар учун иккиламчи хом ашё бўлган металл, қофоз, пластмасса (полипропилен, полиэтилен), озиқ-овқат чиқиндилари (муддати ўтган ун маҳсулотлари, овқат қолдиқлари, сабзавотлар) каби чиқиндилар танлади. Қисман саралаш манфаатдор шахслар томонидан амалга оширилади ва давлат томонидан назорат қилинмайди.


Бу турдаги чиқиндилар айrim талаблар қўйилади. Шу билан бирга, шаҳар аҳолисининг ҳаётий фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда талаб қилинмайдиган чиқиндилар ҳосил бўлиб, чиқинди йигиш пунктларига тушади ва кейинчалик уларни мураккаб аралаш морфологик таркиби сабабли қайта ишлиш ва бартараф этиш мумкин бўлмаган полигонга олиб келинади.

Талаб этилмайдиганлари орасида ҳар қандай аралаш органик чиқиндилар катта қизиқиш уйғотади. Органик ҚМЧни қайта ишлиш экологик тоза чиқиндиларни бошқариш ва қайта ишлиш сифатида муҳим бошқарув афзалликларига эга, бу эса ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, шу

жумладан, иссиқхона газлари чиқиндиларининг атроф-муҳитга таъсирини сезиларли даражада камайишига олиб келади.

Шу билан, биз Тошкент шаҳрида ҚМЧ билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг такомиллаштирилган схемасини таклиф қиласиз. Ушбу схема полигонларга келиб тушадиган қайта ишлашга яроқсиз бўлган талаб этилмайдиган аралаш органик чиқиндилар юкламасини камайтиради.

Ушбу схемада (1-расм) бугунги кунда талаб этилмайдиган аралаш органик чиқиндиларни қайта ишлашнинг қўшимча босқичини жорий қилиш билан амалда қўлланилаётган анъанавий ишларни амалга ошириш модели қабул қилинган. Талаб этилмайдиган аралаш органик чиқиндиларни қайта ишлаш - қаттиқ органик чиқиндиларни термал ва термокимёвий қайта ишлаш, кейинчалик эса узлуксиз циклда газли ва суюқ углеводородларни олиш учун тавсия этилган қурилмадан (пиролиз қурилмаси) фойдаланишда мужассамланади. Мазкур қурилма талаб этилмайдиган аралаш органик чиқиндиларни келиб тушиши билан бирга кўп жихатдан полигон жойлашган ҳудудда атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш муаммосини ҳал қилишга имкон беради.



1-расм. Тошкент шаҳрида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг такомиллаштирилган схемаси

Пиролизни ўз ичига олган термал усуллар - чиқиндиларни бартараф қилишнинг кенг тарқалган технологиялари ҳисобланади. Ҳом ашёни термал қайта ишлаш нафақат ёнувчи газни олиш, балки атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва мелиорация билан боғлиқ экологик муаммони ҳал қилиш имконини беради.


ҚМЧни пиролиз ёрдамида қайта ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида пиролиз газларининг чиқиши ва таркибига бир қатор параметрларнинг (дастлабки хом ашёнинг намлиги, ҚМЧ таркиби ва б.) таъсирини баҳолаш учун бу жараённи экспериментал тарзда ўрганиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

2-жадвал

Тошкент шаҳрида ҚМЧлар компонентларининг умумий элементар кимёвий таркиби


№	ҚМЧнинг таркибий қисми	Элементар таркиби, %								Учувчан элемент лар, %	Ёниш иссиқ-лиги, Q_h^P
		C	H	O	N	S	Cl	Қолдиқ, A	Намлилиги W		
1.	Қофоз	11,1	1,5	11,2	0,1	0,08	0,02	6,0	10,0	31,8	910
2.	Озиқ-овқат махсулотлари	4,1	0,6	2,6	0,3	-	-	1,4	23	20,8	280
3.	Енгил саноат	1,8	0,2	1,0	0,2	-	-	0,4	0,9	3,8	170
4.	Еғоч	1,3	0,1	1,0	-	-	-	-	0,6	2,0	100,0
5.	Пластмасса	1,8	0,2	0,5	-	-	-	0,3	0,2	2,4	170,0
6.	Тері, резина	1,3	0,1	0,3	-	-	-	0,2	0,1	1,0	120,0

Пиролиз пайтида вақт жиҳатидан чиқаётган газлар ҳажми газсимон маҳсулотларнинг кўпчилик қисми тажриба бошланганидан биринчи 15 - 20 дакиқа мобайнида ҳосил бўлганлигини кўрсатади (2-расм).



2-расм. Вакт үтиши билан чиқынди газнинг миқдори

Тажрибанинг бошланғич босқицида 120 дақиқада метан миқдори умумий жаҳмнинг 53 % гача етади ва пиролиз жараёни тўлиқ тутагунига қадар газ чиқариш давомийлиги кузатилади.




3-расм. Газсимон маҳсулотнинг хроматограммаси

Хроматографик тадқиқотларга кўра, аралаш характерли ҚМЧларнинг каттиқ пиролизи натижасидаги газсимон маҳсулотлар таркибидаги метан, этан, пропан, бутан ва гептан асосий углеводородлар ҳисобланади. Пиролиз газининг таркибидаги бу углеводородларнинг мавжудлиги унинг иссиқлик чиқариш қобилиятини аниқлайди (3-расм).


Каттиқ қолдик, суюқ фракция ва газсимон маҳсулотлар массасига ҳароратнинг таъсири шуни кўрсатадики, 450 - 550 °C оралиқдаги ҳарорат мақбул пиролиз ҳисобланади. Намуналар учун 40 °C дан 100 °C гача бўлган ҳарорат оралиғида боғлиқ сувнинг физик ва кимёвий жиҳатдан йўқотилиши билан боғлиқ бўлган сув буғининг пайдо бўлиши кузатилган.

Яқуний маҳсулотларда юқори фоизда газ олишдан ташқари, пиролиз ва буғавони газлаштиришда ҳароратнинг ошиши билан водород чиқиши ошади. ҚМЧ намунаси учун 450 - 550 °C гача бўлган ҳарорат оралиғида учувчан маҳсулотларнинг деструкцияси ва жадал шаклланиши билан боғлиқ бўлган самарали ажралиши кузатилади.

Ўрганилган манбаларда газсимон пиролиз маҳсулотларининг таркибига таъсир қилувчи энг содда иккиласми реакциялар келтирилган:




Синтез-газ асосан CO₂ и CH₄ кичик улуси билан CO ва H₂ дан (85 % биргалиқда) ташкил топган. Бизнинг ҳолатимизда аралаш ҚМЧдан фойдаланиш C₁ – C₅ углеводород компонентининг ўсишини оширади, бу эса газлсимон пиролиз маҳсулотлари умумий ёниш иссиқлигининг ошишига олиб келади (4-расм).




4-расм. Газсимон маҳсулотлар таркибининг концентрацияга боғлиқлиги

Ҳарорат жараёнининг 550°C дан ошиши олинган газсимон аралашманинг умумий ёниш иссиқлигининг ошишига олиб келмайди. Буни пиролиз вақтида чиқинди газларнинг таркиби ҚМЧларнинг морфологик таркибига боғлиқлиги билан тасдиқланади.




5-расм. Вакт оралиғида 400°C да ҚМЧ массасини ўзгариш графиги



6-расм. Вакт оралиғида 550°C ҳароратда ҚМЧ массасини ўзгариш графиги

Иситиши тезлиги, пиролизнинг юқори ҳарорати ва мавжудликнинг қисқа вақти газ чиқишини максимал даражада оширади. Пиролиз қурилмадаги тажрибалар 400, 550 ва 700 °C ҳароратларда ўтказилган. Ҳар бир ҳароратда ҚМЧ массасининг йўқотилишини вақтга боғлиқлиги ўрганилди.



7-расм. Вақт оралиғида 700 °C ҳароратда ҚМЧ массасини ўзгариш графиги

Реакция тезлигининг ҳароратга боғлиқлиги Аррениус тенгламасида акс этади:

$$k(T) = A \cdot e^{-E_a/RT}$$

бу ҳолда, K-реакция тезлик константаси;

α - эмпирик доимий, оддинги экспоненциал омил, у ҳам $T \rightarrow \infty$ тезлик константасига тенг, яъни реакцияда иштирок этиувчи молекулалар орасидаги тўқнашувлар сони;

E_a - фаоллаштириш энергияси;

T – ҳарорат;

P - газ доимийси.

Актив зиддиятларнинг назарий хисобини қўйидагича топиш мумкин:

$$A = \alpha \cdot \sqrt{T}$$

Фаоллаштирилган комплекс назарияси доирасида Аррениус дифференциал формуласи ўзига хос боғлиқлиги, яъни A га ҳароратга боғлиқ ўзгариши натижасида қўйидагича кўринади:

$$\frac{d \ln k}{dT} = \frac{E_a}{RT^2}$$

ёки фаоллаштириш энергияси, агар барча қийматлар аниқ бўлса, аналитик тарзда хисобланиши мумкин:

$$\ln \frac{k_1}{k_2} = \frac{E_a}{RT} \left(\frac{1}{T_1} - \frac{1}{T_2} \right) \quad \ln A = \ln k + \frac{E_a}{RT}$$

Пиролиз жараёнининг реакциясини фаоллашув энергиясини ҳисоблашда хатоликни камайтириш учун биз доимий тезликнинг $1/T$ га боғлиқлиги графигини чизамиз (8-расм). Юқоридаги тенгламага мувофиқ бу муносабатлар чизиқли характерга эга ва қуйидаги формула билан тавсифланади:


$$\ln k = \ln A - \frac{E_a}{RT}$$

3-жадвал

Пиролиз жараенининг константа тезлигининг йиғиндиси

Пиролиз ҳарорати, К	Тескари ҳарорат ($1/T$)	Пиролиз жараёнининг константа тезлиги	Константа тезлиги натурал логарифми
673	0,0014859	0,0004458	-7,71564014
823	0,0012151	0,0011786	-6,74342799
973	0,0010278	0,0036792	-5,60505994

Шундай қилиб, лабораторияда ўтказилган тажрибалар натижаларидан олинган маълумотлар асосида Аррениус тенгламасини ишлаб чиқиша пиролизнинг ўртача қийматли термокимёвий узлуксизлиги аниқланди. 400, 550 ва 700 °C ҳароратларда пиролиз жараёни тезлигининг доимий қийматлари мос равишда $0,0004458 \text{ c}^{-1}$, $0,0011786 \text{ c}^{-1}$, $0,0036792 \text{ c}^{-1}$, жараённинг фаолланиш энергияси $E_a = 71,27 \text{ кЖ/моль}$.



**8-расм. $\ln k$ нинг тескари ҳароратга боғлиқлиги $T = 673 - 973 \text{ К да}$
 $E_a = 71268,17 \text{ Ж/моль}$**

Лаборатория тадқиқотлари давомида олиб борилган бир неча турдаги пиролиз натижалари бўйича умумий оғирлиги билан солишитирган ҳолда олинадиган маҳсулотларнинг чиқиши 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал


Турли пиролиз ҳароратдаги маҳсулотларнинг чиқиши

№	Маҳсулот	Пиролиз, °C		
		400	550	700
1.	Пирогаз, масс.%	10	15	50
2.	Суюқлик, масс.%	75	80	49
3.	Қаттиқ қисми, масс.%	15	5	1

Қаттиқ майший чиқиндилар пиролизида асосан уч турдаги маҳсулотлар олинади - пиролиз гази, суюқ ва қаттиқ углеродли маҳсулот. Пирогаз асосан ёнувчи SO_2 , N_2 , CH_4 , C_2H_6 ва бошқа турдаги газлардан иборат. Қаттиқ чиқиндилар пиролизи жараёни кам кислородли еки кислородсиз муҳитда амалга оширилади, чунки ортиқча кислородли муҳитда у түлиқ карбонат ангидрид ва сувга айланади.


Пиролиз жараёнида ҳосил бўлган газ реакторда пиролиз жараёнини иссиқлик билан таъминлаш учун ёндирилади, ортиқча газ эса машъалда ёндирилади ёки бошқа истеъмолчига етказилади. Бундан ташқари, ортиқча пиролиз гази электр энергияси ишлаб чиқариш учун газгенераторда ишлатилиши мумкин.

Суюқ пиролиз маҳсулотларини иссиқхоналарга иситиш ёқилғиси сифатида юборилади. Қўшимча қайта ишлаш орқали суюқ маҳсулотлар (бензин, дизел ёқилғиси, мой, қатронлар ва б.) сифатли маҳсулотга айлантирилиши мумкин. ҚМЧ таркиби ва пиролиз жараёнининг ҳарорати, шунингдек, олинган суюқ пиролиз маҳсулотининг зичлиги ўртача $920 - 980 \text{ кг}/\text{м}^3$, ёниш ҳарорати $45 - 50 \text{ МЖ}/\text{кг}$, олtingутурт миқдори $0,1 - 1,0 \%$, нисбий ёпишқоқлиги $6,5-7,5 \text{ сСт}$.



9-расм. ҚМЧ пиролизидан олинган суюқ фракциялар ИК-спектри

Бу ИК-спектроскопия тадқиқот маълумотларига кўра, 1460 см^{-1} диапазондаги деформация тебранишлари $\text{C}-\text{H}$ алоқа мавжудлигини тасдиқлайди, $3374 - 3287 \text{ см}^{-1}$ оралиғида валент тебранишлари $\text{C}=\text{C}-\text{CH}_2-\text{OH}$ бирламчи спиртлар гуруҳига киради ҳамда $1650-1500 \text{ см}^{-1}$ диапазонида амин, амид $\text{R}-\text{C}(\text{O})-\text{NH}_2$ ва нитро-нитрил $\text{R}-\text{NO}_2$ гурухларини кўрсатувчи кескин кучланишлар учрайди.



10-расм. Пиролиз жараёнининг қаттиқ қисмини ИК-спектри

Углеродли қаттиқ маҳсулот совутилади, магнит ажратгичдан ўтказилади ва истеъмолчининг хохишига кўра брикет ёки кукун шаклида қадоқланади. Углеродли қаттиқ пиролиз маҳсулоти каучук муҳандислигида тўлдирувчи сифатида, шунингдек юқори калорияли ёқилғи сифатида ишлатилиши мумкин. Техник кўмирининг зичлиги 410 - 450 кг/м³, ёниш иссиқлиги 25 - 30 МЖ/кг, кул 10 - 15 %, қаттиқлиги 90 - 95 %, учувчи моддалар микдори 20 - 25 %ни тшкил этади.

ИК-спектроскопия маълумотларига кўра чиқиндилар пиролизидан кейинги қаттиқ қисми 2500 - 3500 см⁻¹ оралиғида карбоксил (-COOH) гурӯхларига эга. 2240-2260 см⁻¹ диапазонидаги кескин кучланишлар R-C≡N мавжудлигини тасдиқлайди, шунингдек гидроксил гурӯхларини ўз ичига олган алкенлар (C=C-H₂-OH) пиролиз маҳсулотининг қаттиқ қисмини функционал гурӯхлар бўлганлиги учун адсорбент сифатида ишлатишга имкон беради.


Шундай қилиб, ҚМЧларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган усул юқори даражадаги газни (50 % дан кўпроғи) олиш ва уни муқобил энергия сифатида тозалангандан кейин фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, қурилмада кислородсиз муҳитда ёниб бўлгандан кейин қора, қаттиқ қисмини брикетлаш учун хом ашё сифатида ёки асфальт таркибиغا қўшимча сифатида ишлатиш мумкин. Тажриба маълумотлари бўйича ҳар иккала ҳолатда ҳам олинган натижалар шуни кўрсатадики, бу усул ҚМЧни бартараф этиш учун жуда содда усул ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, кўп микдордаги суюқлик фракциясини олиш учун оптималь ҳароратни танлашда 550 °C да аниқланди.

Диссертациянинг «Углеродли ҚМЧларни зарарсизлантириш учун кўрилаётган пиролиз усулини қўллаш самарадорлигини ишлаб чиқиши ва таҳлил қилиш» деб номланган тўртинчи бобида, қаттиқ майший

чиқиндиардан фойдаланган ҳолда газсимон, суюқ ва қаттиқ фракцияларни олишнинг такомиллашган технологик линияси ишлаб чиқилган.

Газли, суюқ ва қаттиқ углерод олишнинг технологик схемаси 11-расмда кўрсатилган.



11-расм. Пиролиз қурилмасининг таклиф қилинатеган технологик схемаси

1-КМЧ майдалагич; 2,3,4-двигателлар; 5-реакторга жойлаш бункери; 6,7-тутун чиқиш жойи; 8,9,10,11-киздирувчи элемент; 12- эшкакли қурилмалари; 13- сув билан совутиш тизими; 14,15,16-суюқлик учун сифим; 17-тўш камераси; 18,19-ёпғич; 20,21,22- суюқлик учун сифим; 23-сув учун сифим; 24- газ редуктори; 25-газ ҳаракати учун қувур; 26,27,28,29-шарикли кранлар; 30-газ йиғич; 31-юклаш жойи; 32-тешикли тўсиқ

Ишлаб чиқилган технологик схема бўйича қаттиқ майший чиқиндиар МАХСУСТРАНС юклаш станциясига автотранспорт ёрдамида олиб келинади. Олиб келинган чиқиндиар намлиқдан 90 % гача қуритилади ва майдалагич бункерига (1) қуйилади, пичоқ майдалагич ердамида масса заррачалари 2 - 5 см бўлгунга қадар майдаланади (3). Майдаланган массани бункердан (2) тасмали транспортер орқали реакторга (3) (реактор сифими 2 тн) етказилади. Реакторнинг ўртасида КМЧларни аралаштириш учун эшкакли қурилмалари бўлган қўзғатувчи (4) мавжуд бўлиб, у пиролиз жараёнини тезлаштириш учун ҳар бир чиқинди заррачасининг ҳароратига бир хил таъсир кўрсатишга хизмат қилади (5). Ён томондан реактор газли нозуллар ёрдамида 550 °C га қадар қиздирилади. 10 минут мобайнида реактордан намлиқ ажralиб, сўнг пирогазага ўтади.

Чиқарилган пирогаз газ қувурида (6) ҳаракатланади ва сув билан совутиш орқали, бу жараенда пирогаз конденсат ҳолатига ўтади ва суюқлик сақлаш қурилмасида (7,8,9) йиғилади ва ажralаётган пирогаз тўлиқ қуrimагунча бу жараён давом этирилади. Қуритилган пирогаз газ коллекторида йиғилади (10).

Газ коллекторидан кейин газ редуктори (11) ўрнатилади, унинг вазифаси реакторни (12) қиздириш учун нозулларга бир хилда газ етказиб беришдан иборат.

Реакторнинг пастки қисмида тешили тўсиқ (13) жойлашган, у орқали пирокарбон (14) тушириш камерасига қўйилади, у ердан пирокарбон (15) учун идишга чиқарилади. Тасмали транспортер ёрдамида идишдан машинага юкланади ва брикетлаш учун юборилади. Жараён цикл билан амалга оширилади. 162 соатлик ишдан сўнг, профилактик ишлар учун қурилма 12 соатга тўхтатилади.

ХУЛОСА

1. Тошкент шахри мисолида ҚМЧни бошқариш - йигиш, ташиш, сақлаш ҳамда бартараф этишнинг такомиллашган технологияси ишлаб чиқилди.
2. Математик статистика йўли билан қаттиқ майший чиқиндиларнинг морфологик таркибини аниқланиб, қайта ишлаш ва бартараф этишнинг пиролиз жараёнини қамраб оловчи мақбул технологиялари тавсия этилди.
3. ҚМЧ пиролизлаш жараёни 550°C да кичик хажмлардаги пиролизаторларда анаэроб шароитларда амалга оширилиши тавсия этилиб, уч турдаги - пиролиз гази, суюқ ва қаттиқ углеродли маҳсулот ҳосил бўлиши тадқиқ қилинди.
4. ҚМЧ пиролизлаш жараёни маҳсулотлари таркиби тадқиқ қилиниб, газ қимидан ҚМЧ бартараф этишда ва суюқ фракцияси (зичлиги 920 - 980 кг/м³, ёниш харорати 45-50 МЖ/кг, олтингугурт микдори 0,1 - 1,0 %, нисбий ёпишқоқлиги 6,5 - 7,5 сСт)дан ёқилғи сифатида фойдаланиш тавсия этилди.
5. ҚМЧ пиролизлаш жараёни углеродли қаттиқ маҳсулотлари техник кўмирни совутилиш, ажратиш, брикетлаш тизими ва юқори калорияли ёқилғи (410 - 450 кг/м³, ёниш иссиқлиги 25 - 30 МЖ/кг, кул 10 - 15 %, қаттиқлиги 90 - 95 %, учувчи моддалар микдори 20 - 25 %) сифатида фойдаланиш тавсия этилди.
6. ҚМЧни бошқариш тизимини пиролиз технологиясини қўллаб такомиллаштиришнинг техник - иқтисодий самардорлиги Тошкент шахри мисолида аниқланиб, йилига 10,84 млрд. сўм соф фойда кўриш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc03/30.12.2019.Т.04.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАХМАТУЛЛАЕВ ФАЙЗУЛЛА НИГМАТУЛЛАЕВИЧ

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ И
ОБЕЗВРЕЖИВАНИЯ ТВЁРДЫХ БЫТОВЫХ ОТХОДОВ В
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

02.00.14 - Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан заномером B2021.1.PhD/T1698

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель:

Турабджанов Садритдин Махамадинович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сайфутдинов Рамзидин Сайфутдинович
доктор технических наук, профессор

Набиева Ирода Абдусаматовна
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация:

Химико - фармацевтический научно-исследовательский институт Узбекистана имени А.Султанова

Защита диссертации состоится «16 » 12 2021 г. в 10 часов на заседании Научного совета DSc03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за №28 с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz)

Автореферат диссертации разослан «22 » 11 2021 года.
(протокол рассылки №121 от «22 » 11 2021 года).



Г. Рахмонбердиев

Председатель Научного совета по присуждению учёной степени доктора наук, д.х.н., профессор

Х.И. Кадиров

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

А. Икрамов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. При быстром росте потребительских нужд населения в мире наблюдается резкое увеличение количества твердых бытовых отходов, которые приводят к распространению вредных химических веществ в окружающую среду, а предотвращение данного явления путем созданием экологически чистых методов является одной из приоритетных задач. В то же время, имеет важное значение применение технологии пиролиза, разделения и использования фракций жидкого топлива в целях снижения воздействия твердых бытовых отходов на окружающую среду, наносящих ущерб здоровью человека, атмосфере и гидросфере.

Наряду с увеличением численности населения в мире ведутся научные исследования по совершенствованию системы управления и обезвреживания твердых бытовых отходов и устранению их негативного воздействия на окружающую среду. В связи с этим, особое внимание уделяется определению морфологического состава твердых бытовых отходов с помощью математической статистики, их сбору, транспортировке, хранению и переработке отходов с использованием технологии пиролиза, которая создает смесь жидкого топлива, анаэробной нейтрализации с помощью пиролизатора, целевому использованию отходящих продуктов.

В республике прогноз годового объема образования твердых бытовых отходов оценивается в пределах 7-7,1 млн тонн, а динамика роста населения в среднем на 1,5 процента дает определенные результаты в строительстве новых полигонов для уплотнения и складывания их в открытых условиях (при этом более 95% образующихся отходов подвергают захоронению на полигонах), что приводит к загрязнению атмосферного воздуха биогазом, а также к возникновению парниковых газов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены такие важные задачи, как «улучшение санитарного и экологического состояния в городах и районах, а также сельских населенных пунктах республики»¹. В связи с этим, создание технологии пиролиза имеет важное значение при сборе, транспортировке, хранении, а также обезвреживании твердых бытовых отходов, отрицательно влияющих на здоровье человека, атмосферу и гидросферу.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-2916 от 21 апреля 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию и развитию системы обращения с отходами на 2017-2021 годы», № УП-4291 от 17 апреля 2019 года «Об утверждении Стратегии по обращению с твердыми бытовыми отходами в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годов», № УП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению

¹ Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, посвященные уничтожению и обезвреживанию твердых бытовых отходов, велись такими учеными как: B.Stewart, M.Liest, C.Ochsenreiter, C.Walsh Daniel, E.Mbuligwe Stephen, R.Alam, K.Sugihiro, S.Mamoru, Schwetlick Wolfgang, J.Reich, П. Старцев, В.А.Безбородов, В.И.Теличенко, И.В.Ютин, В.В.Журкович, М.В. Киселева, Р.З.Магарил, А.Н.Сачков, Ф.А.Магрупов, С.М.Турабджанов, А.Б. Джураев, М.Н.Мусаев, М.О.Сафаев, Н.Салимов, О.Ш. Қодиров и другие.

Ими разработаны технологии получения альтернативных энергоносителей, совершенствования системы управления и способа обезвреживания твердых бытовых отходов, образовавшихся органическим путем с применением методов пиролиза, их утилизации.

